

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ БАХРАМ ШУКРИЕВИЧ

**РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК ПАРАДИГМАЛАР
ДЕРИВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР АКЦИ СИФАТИДА**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Курбанов Бахрам Шукриевич

Рус ва ўзбек тилларида лексик парадигмалар деривацион жараёнлар акси сифатида.....3

Курбанов Бахрам Шукриевич

Лексические парадигмы как отражение деривационных процессов в русском и узбекском языках23

Bakhran Shukriyevich Kurbanov

Lexical Paradigms as a Reflection of Derivation Processes in the Russian and Uzbek Languages.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ БАХРАМ ШУКРИЕВИЧ

**РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК ПАРАДИГМАЛАР
ДЕРИВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР АКЦИ СИФАТИДА**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil747 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Джуманова Дилбар Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хашимова Дилдора Ўринбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор
Бакиров Поён Уралович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «10 июль» куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон жаҳон тиллари университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «26 июнь» куни тарқатилди.
(2021 йил «26 июн» даги 9 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Г. Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

[Signature]
Х. Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

[Signature]
Ж. А. Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши ва турли тилларда мулоқот олиб боришга бўлган эҳтиёжнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу маънода тилларни чоғиштирма нуқтаи назардан таҳлил қилиш, хусусан, сўз ясалиш уялари, уларнинг формал тузилишининг синтагматик ва парадигматик жиҳатларини тавсиф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Амалий тилшуносликда тилни умумий дериватологик тавсифлаш ва деривацион лексикологияни унинг бир қисми сифатида тасвирлаш концепцияси шаклланиб бормоқда. Бу ўз навбатида тил қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва сўзнинг умумий назариясини такомиллаштириш имконини бермоқда.

Дунё тилшунослигида кейинги йилларда лексик парадигмаларнинг лингвистик хусусиятлари тадқиқини тил сатҳлари, сўз бирликлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали ифодалашга эътибор қаратилмоқда. Тил таркибида бўлаётган янгиланишлар тилшунослар томонидан тилнинг барча жиҳатлари, хусусан, лексик бирликлар ўртасидаги синтагматик ва парадигматик муносабатларнинг чуқур ўрганилишини тақозо қилади. Сўз ясалишининг лексик базаси энг аввало экстралингвистик факторлар орқали аниқланиши ва уларнинг турли тиллар сўз ясалиш ва лексик тизимларида турлича талқин қилиниши рус ва ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган илмий-назарий масалалардан бири саналади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда турли соҳаларда, жумладан, таълим ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, илмий изланишларнинг долзарблиги давлат сиёсати мақомига кўтарилмоқда. Давлат тили ҳисобланган ўзбек тили ва бошқа миллат тилларини тадқиқ қилиш, хусусан, рус тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш халқларнинг маданий ва этник ўхшашлигини билишда муҳим омилга айланмоқда. «Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз»¹. Шу маънода турли тизимли тилларни лисоний даражалар нуқтаи назаридан тавсиф этиш, шу жумладан сўз ясалишининг морфологик, лексик-семантик, композицион усулларини тилшунослик мезонлари асосида ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25.01.2020 й. <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат санаси: 20.02.2020 й.).

2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рус тили лексикасини интеграл тасвирлаш, лексика таркибини сўз ясалиши, сўз ясалиши уялари тизими билан боғлаш вазифалари Д. Н. Шмелев, А. Н. Тихонов, Ю. Д. Апресяннинг² ишларида қўйилган ва қисман кўриб чиқилган. Ясама лексиканинг туб лексикага нисбатан деярли ўн баробар кўплигини ҳисобга олган ҳолда, рус тилида синонимия, антонимия ва омонимия лексик ва сўз ясалиши қатламларини тизимли боғлайдиган асосий қатламлараро категория сифатда намоён бўлади.

Семантик ифодаланиш ҳодисаси дастлаб В. В. Виноградов томонидан айнан омонимия материаллари асосида тадқиқ қилинган, аммо кейинчалик дериватологлар эътибори кўпроқ аксланувчи антонимияга қаратилган бўлиб, бу Е. Н. Миллер, А. С. Пардаев, С. Саидоваларнинг³ ишларида ўз аксини топди. Семантик ифодаланишни ўрганиш соҳасида пешқадамлик ўзбекистонлик тилшуносларга тегишлидир, аммо ушбу мавзу бўйича ишланмалар асосан рус тили материаллари асосида олиб борилган. Семантик ифодаланиш ҳодисаси сўз ясалиши тизими функцияларининг бири сифатида чоғиштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда охирги ўн йилликларда олиб борилган катор тадқиқотлар А. Н. Тихонов томонидан белгилаб берилган дастур асосида сўз ясалиши жараёнларини тил қатламлари ўзаро муносабатлари асосида ўрганишни назарда тутди. Унинг ишларида муҳим эътибор тил

² Шмелев Д. Н. Очерки по семасиологии русского языка. – Москва: Просвещение, 1964. – 243 с.; Тихонов А. Н., Пардаев А. С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия. – Ташкент: Фан, 1989. – 141 с.; Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка // Избранные труды. Т. 1. – Москва: Восточная литература, 1995. – 472 с.

³ Миллер Е. Н. Природа лексической и фразеологической антонимии. – Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 1990. – 221, [1] с.; Пардаев А. С. Явление отраженной синонимии в русском языке. – Ташкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – 160 с.; Саидова С. М. Адъективные антонимичные словообразовательные гнезда в современном русском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 20 с.

катламларининг ўзаро муносабатларига, аксланувчи омонимия, антонимия ва синонимияга, омонимик, антонимик ва синонимик уяларининг сўз ясалиш муносабатларига қаратилган; жумладан, лексика ва сўз ясалишининг ўзаро боғлиқлиги таъкидланган.

Ушбу муаммо борасида А. С. Пардаевнинг аксланувчи (кенгроқ – сўз ясалиш) антонимия ва синонимия ҳақидаги монографиялари эълон қилинган. А. Ишаев ва И. У. Мамасолиевларнинг ишларида ўзбек ва рус тилларининг антонимик гуруҳлари тадқиқ қилинади. Сўз ясалишининг лексик-грамматик вариантчилиги, туб ва ясама сўзларнинг хусусиятлари, синонимияни ташкил этишда сўз ясалишининг ўрни каби масалалар А. Г. Шереметьева, Д. У. Ашурова, И. А. Сиддиқова, И. Т. Бабакуловларнинг ишларида ўз аксини топган⁴.

Рус тилшунослигида сўз ясалиши М. Докулил, Е. С. Кубрякова, В. В. Лопатин, И. С. Улуханов, Е. А. Земская, М. Н. Янценецкая, И. А. Ширшов⁵ каби олимларнинг ишларида энг долзарб мавзу сифатида акс этган, аммо лексика ва сўз ясалишининг тизимли алоқалари чуқур тадқиқ этилмаган.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши сатҳи А. Н. Кононов, А. П. Ҳожиёв, Ҳ. Неъматов, Р. Расулов, Н. К. Турниязов, А. Нурмонов, А. Мухторов, Н. Улуқов⁶ ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган, бироқ умумий ҳисобда сўз ясалиши қатлами (шу жумладан сўз ясалиши усуллари ҳам) фонетик, морфологик, синтактик ва лексик қатламларга нисбатан камроқ ўрганилган.

Асосий лексик парадигмаларни ташкил этишда сўз ясалишининг ролини чуқурроқ ёритиш учун сўз ясалиш синонимияси, омонимияси ва антонимиясининг алоқаларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш зарур.

⁴ Шереметьева А. Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диахронический аспект): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2011. – 35 с; Ашурова Д. У. Стилистические и прагматические аспекты словообразования английского языка. Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 405 с; Сиддиқова И. А. Синонимия языка и её кодификационные основы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2012. – 53 с.; Бабакулов И. Т. Способы словообразования русского и узбекского языков как отражение типологической детерминанты. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Самарканд, 2020. – 77 с.

⁵ Dokulil M. Tvoreni slov v cestine. Teorie odvozovani slov. Praha, 1962. – 263 с; Кубрякова Е. С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. – Москва: Наука, 1981. – 200 с; Лопатин В. В. Русская словообразовательная морфемика. – Москва: Наука, 1977. – 316 с; Улуханов И. С. Глагольное словообразование современного русского языка. Т. I: Глаголы, мотивированные именами и междометиями. Москва: Азбуковник, 2015. – 330 с; Земская Е. А. Современный русский язык. Словообразование. – Москва: Флинта, Наука, 2011. – 328 с; Янценецкая М. Н. Пропозициональный аспект словообразования (обзор работ сибирских дериватологов). Вестник Томского государственного университета. Филология. 2014. № 1 (27). – С. 167-192; Ширшов И. А. Толковый словообразовательный словарь русского языка. – Москва: «АСТ», 2004. – 1022 с.

⁶ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Ленинград, 1960. – 210 с.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 128 б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технология маркази, 2010. – 328 б.; Турниязов Н.К. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1989; Турниязов Н.К. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.; Улуқов Н. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: Баркамол файз медиа, 2016. – 192 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-245/11 рақамли «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рус ва ўзбек тиллари сўз ясалиши тизимида синонимия ва омонимиянинг парадигматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рус ва ўзбек тиллари сўз ясалиши тизимининг универсал ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

рус ва ўзбек тиллари туб ва ясама синонимлари тизимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, ҳамда туб ва ясама феълли синонимларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

рус ва ўзбек тиллари туб ва ясама омонимлари тизимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, шунингдек, туб ва ясама феълли омонимларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

рус ва ўзбек тиллари синонимик ва омонимик уяларида семантик аксланиш ҳодисасини сўз ясалиш тизими функцияларининг бири сифатида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида рус ва ўзбек тилларида лексик парадигмаларнинг асосий турлари бўлган синонимлар ва омонимлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети рус ва ўзбек тиллари лексик ва сўз ясалиш катламлари ўртасидаги синонимик ва омонимик муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тасвирий, чоғиштирма-типологик, контрастив, компонент ва трансформацион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рус ва ўзбек тилларида синонимик ва омонимик парадигмалар ясалишининг морфологик, лексик-семантик ва композицион усулларини чоғиштириш орқали уларнинг сўзга сўз қўшилиши каби алломорф ва сўзга префикс, суффикслар қўшилиши каби изоморф хусусиятлари аниқланган;

рус ва ўзбек тилларида туб ва ясама феълли синонимик ва омонимик парадигмаларнинг структур-семантик, синтактик-трансформацион, функционал-семантик хусусиятлари лексик деривациянинг грамматик-функционал категорияси сифатида аниқланган;

қиёсланаётган тилларда феълли синонимик ва омонимик парадигмаларнинг тузилишига оид формал-структур белгиларини ажратиш ҳамда таркибий тузилишидаги туб ва ясама сўзларни аниқлаш орқали

уларнинг туб лексемали, ясама лексемали, туб ва ясама лексемали турлари мавжудлиги исботланган;

рус ва ўзбек тилларида феълли синонимик ва омонимик парадигмаларни деривацион чоғиштириш тамойилларини аниқлаш орқали сўз ясалиш уялари таркибида дериватларнинг ўзаро муносабатлари ўзаклар, аффикслар синонимияси ва омонимияси орқали ифодаланиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лексик парадигмаларнинг, жумладан, рус ва ўзбек тили феълли синоним ва омонимларининг ясалишига оид умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

рус ва ўзбек тиллари феълли синоним/омонимларининг таснифий хусусиятлари ўзаро мослиги исботланган;

ўзбек тили лексик парадигмаларига нисбатан акланувчи синонимия ва омонимияни ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда лингвистик таҳлил методологияси, тасвирлаш, таснифлаш, статистик таҳлилнинг аниқ ва самарали методлари қўлланилгани, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли тизимли тиллар лексик парадигмалари шаклланишининг лингвистик омиллари, тилнинг асосий қатламлари (лексика, сўз ясалиши, грамматика) ўзаро муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, таҳлилга тортилган тилларда синонимик ва омонимик бирликларнинг ясалиши, полисемия ва омонимияни бир-биридан фарқланиши, шунингдек, сўз ясалиши уялари тизимига нисбатан синоним ва омонимларнинг таснифини ишлаб чиқиш каби масалаларнинг илмий-назарий жиҳатдан ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосаларидан олий таълим тизимида «Умумий тилшунослик», «Контрастив лингвистика асослари», «Рус тили сўз ясалиши», «Ўзбек тили сўз ясалиши» каби фанларни, «Рус ва ўзбек тилларининг назарий ва амалий лексикографияси» мавзусида махсус курсларни ўқитишда, шунингдек, кўрсатилган фанлар бўйича ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рус ва ўзбек тиллари лексик парадигмаларининг деривацион хусусиятларини тадқиқ қилиш давомида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

рус ва ўзбек тилларида синонимик ва омонимик парадигмалар ясалишининг морфологик, лексик-семантик ва композицион усулларини чоғиштириш орқали уларнинг сўзга сўз қўшилиши каби алломорф ва сўзга префикс, суффикслар қўшилиши каби изоморф хусусиятларига оид диссертация натижаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университетида 2016-2017 йилларда бажарилган ИОТ-2016-1-15 рақамли «Ўзбек ва рус тилларида электрон дарсликлар тайёрлаш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 89-03-2697-сон маълумотномаси). Натижада мазкур дарслик ўзбек ва рус тили гуруҳлари учун мавзуларни ёритиб беришга доир тавсифий материаллар билан бойитилган;

рус ва ўзбек тилларида туб ва ясама феълли синонимик ва омонимик парадигмаларнинг структур-семантик, синтактик-трансформацион, функционал-семантик хусусиятлари лексик деривациянинг грамматик-функционал категорияси эканлигини далиллашга оид илмий хулосалардан Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган И-ОТ-2019-7 рақамли «Умумий ўрта мактаблар учун мўлжалланган 3D-тизимли интерактив ўқув қўлланмаларини яратиш ва жорий қилиш (5-синф «Адабиёт» фани учун)» номли инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 89-03-3305-сон маълумотномаси). Натижада дарсликдаги лексемаларнинг қўлланилиши, маълум бир тилдаги лексемани қариндош бўлмаган тилдаги лексема билан қиёслаш, лексеманинг лексикографик талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойитилган;

чоғиштирилаётган тилларда феълли синонимик ва омонимик парадигмаларнинг тузилишига оид формал-структур белгиларини ажратиш ҳамда таркибида туб ва ясама сўзлар иштирокини аниқлаш орқали уларнинг туб лексемали, ясама лексемали, туб ва ясама лексемали турлари далилланганлиги ҳамда «Русча-ўзбекча синонимлар луғати»га оид материаллардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3254-сон маълумотномаси). Натижада лексик birlikларнинг луғатлардаги тавсифи, терминларнинг идеографик хусусиятларини изохлаш, уларнинг таҳлили муаммоларини тавсифлаш ҳамда тарихий тараққиёт босқичларидаги тадрижий такомил бўйича маълумотлар бойитилган;

рус ва ўзбек тилларида лексик парадигмаларнинг синонимик, омонимик муносабатларини чоғиштира-типологик аспектда очиб бериш ҳамда диссертацияда таҳлилга тортилган синонимик, омонимик, сўз ясалиши луғатларининг луғат тузиш, луғатларга сўз танлаш ва сўз қўллаш принципларига оид илмий хулосалардан «Русча-ўзбекча синонимлар луғати»ни тузишда фойдаланилган (Русско-узбекский словарь синонимов. – Ташкент: Complex Print, 2020. – 256 с.). Натижада луғатдаги лексемаларнинг қўлланилиши, рус тилидаги синонимларнинг қариндош

бўлмаган ўзбек тилидаги эквивалентлари билан қиёслашга оид маълумотлар мукаммаллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 127 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг қисқа мазмуни баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон тилшунослигида лексик парадигматика ва унинг турлари**» номли биринчи бобида лексикани ташкил этишнинг турли шакллари, жумладан, лексик синонимия ва омонимия, уларнинг грамматик ва сўз ясалиши категориялари билан ўзаро муносабатлари ўрганилган.

Тил ҳодисалари табиат моҳиятини ўзида акс эттиради ва шу билан бир вақтда тилда муайян шаклда акс этади. Лексема (сўз) товуш ва семантикани, ифода ва мазмунни ўзида диалектик бирлаштирувчи тил бирлиги сифатида қаралади. Сўзнинг ички маъноси унинг ташқи шакли орқали ифодаланади. Сўзнинг ташқи шакли унинг ифода планига, ички маъноси эса мазмун планига тенг келади. Ифода ва мазмун ўртасида муайян бирлик мавжуд бўлиб, улар бир бирини тақозо қилади: ифодаланишсиз мазмун бўлиши мумкин эмас, ва аксинча, мазмунсиз ифодаланиш ҳам йўқ. Маъно ёки шакл жиҳатидан умумийликка эга бўлган, ифода ва мазмун жиҳатидан бир бирига қарама-қарши қўйилган сўзлар парадигмаларни ташкил этади. Парадигматик ва синтагматик муносабатларни ўрганиш XX асрнинг бошларидан тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Синтагматика тил системаси бирликларининг нутқ фаолиятида муайян тартибда, кетма-кетликда жойлашиши, ўзаро мантикий муносабатга киришишидир⁷.

Парадигматика эса таққослаш ва қарама-қарши қўйиш нисбатида бўлган тил бирликлари, таркибий элементлар жамланмасининг ўзаро муносабатлари сифатида қаралмоғи лозим. Ушбу нуқтаи назардан тилшуносликда фонетик, грамматик ва лексик парадигматика турлари аниқланган.

Парадигматика муаммолари Ф. де Соссюр, Л. Ельмслев, Д. Н. Шмелев, Б. Н. Головин, П. А. Лекант, О. Л. Рублева⁸ ва бошқа олимлар илмий ишларида чуқур таҳлил қилинган.

Дастлаб Фердинанд де Соссюр ўзининг ишларида сўзлар ўртасида мавжуд бўлган икки хил муносабатлар тўғрисида ёзган. Унинг назариясига кўра, лисоний тизим инсон ақлий фаолиятининг турли шаклларига мос равишда икки асосий муносабатлар асносида курилади, тилнинг ҳар қандай ҳолатида ҳамма нарса муносабатларга асосланади, бу муносабатлар эса ёки синтагматик, ёки ассоциатив бўлиши мумкин⁹.

Сўзлар ўртасидаги муносабатлар «ёки-ёки» ва «ва-ва» вазифаларини бажариши, яъни парадигмаларнинг бир бирини инкор қилиши ёки биргаликда келиши имкониятини кўрсатиши лозим бўлиб, бу ҳодиса тилшуносликда корреляция деб аталади. Л. Ельмслев таъкидлаганидек, «семиотик жараён ва семиотик тизим учун қулай ва анъаналарга мос келувчи белгилар парадигматика ва синтагматикадир»¹⁰.

Д. Н. Шмелевнинг фикрича, «парадигматика» термини ҳозирги олиб борилаётган тадқиқотларда 2 та маъно касб этади: 1) муайян сатҳ бирликларини боғловчи парадигматик муносабатлар тизими, ёки шундай муносабатлар жамланмаси; масалан, лексик парадигматика лексикологиянинг шундай соҳаси ҳисбланадики, унда тил лексемаларининг бошқа лексемаларга нисбатан муносабатлари ҳисобга олинади ва уларнинг бир бирига қарама-қаршилик (антонимия) ёки, аксинча, ўзаро боғлиқлик (гиперо-гипонимия, синонимия) хусусиятлари назарда тутилади; 2) лексик парадигматика муайян сатҳ бирликлари ёки грамматиканинг маълум парадигмалар мажмуини тавсифлашга (морфологик, синтактик) бағишланган бўлимлари (морфология ёки синтаксис), уларни ташкил этиш принципларига, хусусан, парадигмаларнинг тузилишига, парадигмалараро ва парадигмалар ичидаги муносабатларни фарқлашга, шунингдек баъзи

⁷ Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технология маркази, 2010. – Б. 241.

⁸ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – 695 с.; Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – Москва: КомКнига, 2006. – 248 с.; Шмелев Д. Н. Очерки по семасиологии русского языка. – Москва: Просвещение, 1964. – 243 с.; Шмелев Д. Н. Проблемы семантического анализа лексики (на материале русского языка). Москва: 1973. – 218 с.; Шмелев Д. Н. Современный русский язык. Лексика. – Москва: Просвещение, 1977. – 335 с.; Березин Ф. М., Головин Б. Н. Общее языкознание. – Москва: Просвещение. 1979. – 414 с.; Лекант П. А., Диброва Е. И., Касаткин Л. Л., Клобуков Е. В. Современный русский язык. – Москва: Дрофа, 2002. – 560 с.; Рублева О. Л. Лексикология современного русского языка. – Владивосток: ДВГУ, 2004. – 255 с.

⁹ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – Б. 155.

¹⁰ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – Москва: КомКнига, 2006. – Б. 63.

парадигмаларнинг тарихий қайта тузилиш жараёнларида ёки парадигмаларнинг ясашида сўз ясашиш жараёнларини олдиндан мавжуд бўлган намуналари асосида амалга оширувчи парадигмалар тизими ёки уларнинг мажмуи сифатида қаралади¹¹.

Б. Н. Головиннинг ёзишича, бу муносабатлар давомийликка таянмайди, мияда жойлашади ва ҳар бир индивиднинг хотирасида сақланаётган хазинага – тилга тегишли бўлади. Бу муносабатлар ассоциатив муносабатлар деб аталади¹².

П. А. Лекантнинг фикрича, парадигматик муносабатлар яширин бўлади ва сўз ёки лексик-семантик вариантларнинг маънолар ўхшашлиги ва фарқлари асосида ўзаро қарама-қарши қўйилиши орқали юзага чиқади. Ушбу муносабатлар лексик birlikларнинг чизиқли (матнли) бўлмаган тарзда маъно жиҳатидан уюшишини назарда тутлади. Сўзлар парадигмалари умумий (интеграл) семантик белгилар асосида юзага келади ва парадигма аъзоларини бир бирига қарама-қарши қўядиган семантик дифференциал белгилар билан фарқланади¹³.

О. Л. Рублева сўз семантикасининг яқинлиги ва қарама-қаршилиги муносабатлари мантиқан 4 та зиддиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини таъкидлайди, булар: ноль қийматли, приватив, тенг қийматли ва дизъюнктив зиддиятлар. Буларнинг ҳар бири семантик муносабатларнинг ўзига хос турларини намоён этади: ўхшашлик, тегишлилик, кесишиш ва инкор муносабатлари¹⁴.

Ўзбек тилшунослигида лексемаларнинг парадигматик муносабатлари Ҳ. Неъматов, Р. Расулов, М. Миртожиев¹⁵ каби бир қатор олимларнинг илмий ишларида акс этган.

Ҳ. Неъматов тил birlikлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 3 турини санаб ўтади: 1) парадигматик муносабатлар; 2) иерархик муносабатлар; 3) синтагматик муносабатлар¹⁶.

Р. Расуловнинг фикрлари ҳам тил birlikлари ўртасидаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар лисоний тизимдаги асосий муносабатлар эканлигини тасдиқлайди¹⁷.

Шундай қилиб, синтагма ва парадигма тилшуносликнинг тил birlikлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий тушунчалари ҳисобланади. Синтагматика сўзлар ўртасидаги горизонтал

¹¹ Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – Москва: Просвещение, 1977. – Б. 193.

¹² Березин Ф. М., Головин Б. Н. Общее языкознание. – Москва: Просвещение, 1979. – Б. 202.

¹³ Лекант П. А., Диброва Е. И., Касаткин Л. Л., Клобуков Е. В. Современный русский язык. – Москва: Дрофа, 2002. – Б. 22-23.

¹⁴ Рублева О. Л. Лексикология современного русского языка. – Владивосток: ДВГУ, 2004. – Б. 69.

¹⁵ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 128 б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технология маркази, 2010. – 328 б.; Миртожиев М. М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010. – 288 б.

¹⁶ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 23.

¹⁷ Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технология маркази, 2010. – Б. 238.

боғлиқликни назарда тутса, парадигматика вертикал боғлиқликни кўзда туттади. Парадигматик (ассоциатив) муносабатларда иштирок этувчи сўзларнинг миқдори чекланмаган бўлади.

Лексика сатҳида ўзаро парадигматик муносабатларга қуйидаги тил қатламлари киришиши мумкин: синонимлар, антонимлар, омонимлар, паронимлар, кўп маъноли сўзлар, сўз туркумлари, лексик-семантик вариантлар, тематик майдонлар, тематик гуруҳлар ва бошқалар.

Лексик парадигматиканинг асосий турларига А. С. Пардаев синонимия, антонимия, омонимияни киритади ва уларни тилнинг лексик ва сўз ясаши тизимидаги семантик муносабатларнинг энг муҳим кўринишларидан бири деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, синонимия лексик парадигматиканинг асосий кўринишларидан бири сифатида жонли тил ҳодисаси бўлиб, сўзнинг ифодаланиши ва мазмуни жиҳатларининг ўзаро фарқланиши билан, уларнинг барқарор бўлмаган мувозанати билан изоҳланади. Синонимия ва тилнинг бошқа парадигмалари ўртасидаги фарқланиш муаммолари, биринчидан, синонимларнинг турлича эканлигида, иккинчидан, синонимлар номдошликнинг ягона кўриниши эмаслигидадир.

А. С. Пардаев синонимияни тавсифлашда қуйидаги категорияларни қўллайди:

1. Мантиқий эквивалентлик тушунчаси.
2. Маънонинг бир хиллиги ёки ўхшашлиги белгиси.
3. Матнда бир бирини бутунлай ёки қисман алмаштира олиш хусусияти¹⁸.

Маълумки, тил тизимида синонимлар пайдо бўлишининг асосий манбаларидан бири сўз ясашидир. Рус тили, шунингдек ўзбек тили ҳам, ўзининг ўта бой сўз ясашиш тизимига эга эканлиги билан аҳамиятлидир. А. Н. Тихонов рус тилида лексик синонимларнинг пайдо бўлиш муаммоларини ўрганиш жараёнида сўз ясашиш синонимларига, аксланувчи синонимия, антонимия, омонимия масалаларига, синонимик ва омонимик сўз ясашиш уяларининг ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратди¹⁹.

Унинг назариясига кўра, сўз ясашиши синонимияси икки асосий кўринишда талқин қилинади: 1) сўз ясашиши аффикслари ва ўзақларнинг синонимияси ёки вариантлилиги ҳисобига юзага келувчи уя ичи формантлар синонимияси; 2) аксланувчи уялараро синонимия.

Шу ўринда сўз ясашиши тизимида шаклий-семантик хусусиятга эга бўлган, ўзаро синонимик уялар таркибида вужудга келувчи аксланиш ҳодисасининг аҳамиятига эътиборни қаратиш лозим. Синонимик уялар деганда, маълумки, турли уялар орасида пайдо бўладиган синонимик фрагментлар тушунилади. Уялараро синонимия – бу бош сўзлари аввалдан синоним бўлган сўз ясашиши уялари таркибидаги ясама сўзлар синонимияси. Агар ушбу уялардаги ясама сўзлар бир бирлари билан синонимик

¹⁸ Пардаев А.С. Явление отраженной синонимии в русском языке. – Ташкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 11.

¹⁹ Тихонов А. Н., Пардаев А. С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия. – Ташкент: Фан, 1989. – 141 с.

муносабатларга киришса ва бир хил сўз ясашиш типи орқали ясалса, бундай жараён уялараро синонимиянинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Синонимиянинг, жумладан, аксланувчи синонимиянинг пайдо бўлишида феълларнинг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада А. Н. Тихонов «аксланувчи синонимиянинг энг сертармоқ кўриниши феъл уяларига тегишлидир» деб ёзади²⁰.

Бундан ташқари ушбу бобда рус ва ўзбек тилларида омонимия масаласи, унинг ўрганилиш даражаси, омонимларни кўп маъноли сўзлардан фарқлаш муаммолари, омонимларнинг бошқа тил категориялари билан боғлиқлиги, аксланувчи омонимия ҳодисасига доир назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли тизимли тилларда синонимик парадигмалар ясаилишининг интеграл ва дифференциал хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобда рус ва ўзбек тилларида синонимик парадигмаларнинг ясаилиш усулари кўриб чиқилган, синонимик парадигмаларнинг таркибида туб ва ясама лексемалар иштирокига кўра таснифи ишлаб чиқилган, шунингдек, уларнинг сўз ясаилиши уялари тизимидаги ўзаро муносабатлари атрофлича ёритилган.

Е. А. Земская рус тилида 12 та сўз яшаш усуллари борлигини кўрсатиб, уларнинг 7 тасини аффиксал усулларга, 5 тасини аффиксиз усулларга ажратади. Биринчи гуруҳга у суффиксация, префиксация, ноль суффиксация, префиксал-суффиксал усул, префиксация ноль суффиксация билан бирга, қисқартириш, субстантивацияни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга сўз кўшиш, битишув, аббревиация, суффиксация билан бирга сўз кўшиш, ноль суффиксация билан бирга сўз кўшиш каби усулларни киритади²¹.

А. Ҳожиёв ўзбек тилида 6 та сўз яшаш усуллари борлигини кўрсатади ва уларни 3 турга ажратади: 1. Грамматик сўз яшаш (аффикс ёрдамида сўз яшаш – аффиксация, сўз кўшиш йўли билан сўз яшаш – композиция, сўзни бир лексик-грамматик категориядан бошқа туркумга кўчириш, категориал кўчиш йўли билан яшаш – конверсия). 2. Лексик-семантик сўз яшаш (маъно ўзгариши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши). 3. Фонетик сўз яшаш (фонетик воситалар – ҳар хил фонетик ўзгаришлар ёрдами билан сўз яшаш²²).

Қиёсланаётган тилларнинг бир ўзакли ва турли ўзакли синонимик парадигмалари ясаилишида қўлланилган деривацион жараёнлар таҳлил қилинди, сўз ясаилиш усуллари қиёсий ўрганилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, феълли синонимик парадигмалар асосан от, сифат, сон ва феъллардан ясалади. Сўз ясаилишининг асосий усули – аффиксация: префиксация ва суффиксация.

Рус ва ўзбек тиллари синонимик парадигмаларини ташкил қилишда туб ва ясама сўзларнинг ўрни масаласи алоҳида кўриб чиқилди. Туб ва ясама сўзларнинг синонимик парадигмалар таркибидаги иштирокига кўра уларнинг қуйидагича таснифи ишлаб чиқилди:

²⁰ Тихонов А. Н., Пардаев А. С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия. – Ташкент: Фан, 1989. – Б. 32.

²¹ Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование. – Москва: Наука, 2011. – Б. 189.

²² Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаилиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 6.

- 1) фақат туб сўзлардан ташкил топган синонимик парадигмалар;
- 2) туб ва ясама сўзлардан ташкил топган синонимик парадигмалар;
- 3) фақат ясама сўзлардан ташкил топган синонимик парадигмалар.

Рус тилида феълли синонимик парадигмаларнинг асосий қаторига нисбатан феълнинг тугалланган/тугалланмаган турлари бўйича «ёрдамчи» қаторлари келтирилади, масалан: Возместить, покрыть, компенсировать.

Несов.: возмещать, покрывать, компенсировать.

Ўзбек тили синонимик парадигмаларида феъллар тугалланган ёки тугалланмаган турларига эга бўлмаганлиги сабабли «ёрдамчи» қаторлар кузатилмайди.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли рус ва ўзбек тиллари синонимик парадигмаларининг сўз ясалиши уялари тизимида ўзаро муносабатларига бағишланади. Тил бирликлари ўртасидаги бундай муносабатлар бир уя доирасида ёки турли уялар ўртасида юзага келиши мумкин бўлиб, бу уя ичидаги формантлар синонимиясининг ёки уялараро аксланувчи синонимиянинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Фикримиз исботи учун ўзбек тилининг *ажрамоқ*, *айирмоқ* синонимик парадигмасини таҳлил қилиб кўрамиз.

Б. Менглиевнинг сўз ясалиши ўқув луғатида²³ *ажрамоқ* уясининг бош сўзи сифатда *ажра* туб сўзи келтирилган (луғатда феъллар буйруқ майли шаклида берилган). Уяни 4 сўз ташкил қилади, шунга кўра бир сўз ясалиш занжири ва бир парадигма келтирилган:

ажра → ажр-им → ажрим-ла

ажрим-лик;

ажра уясидан фарқли равишда, *айир* уяси Б. Менглиев луғатида

13 сўздан ташкил топган:

айир → айир-бош → айирбош-ла

айир-ма → айирма-ли

айирма-чи → айирмачи-лик

айр-и → айри-лик

айри-ча

З. М. Маъруфовнинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да²⁴ *ажра* сўзи билан ўзақдош бўлган 8 та: *ажралишмоқ*, *ажралмас*, *ажралмоқ*, *ажрамоқ*, *ажратилмоқ*, *ажратма*, *ажратмоқ*, *ажрим* ва *айирмоқ* сўзи билан ўзақдош бўлган 20 та сўз: *айирбош*, *айирбошламоқ*, *айирбошланмоқ*, *айириш*, *айиришмоқ*, *айирма*, *айирмачилик*, *айирув*, *айри*, *айрилиқ*, *айрилиш*, *айрилишмоқ*, *айрилиқ*, *айрилмас*, *айрилмоқ*, *айрилувчи*, *айрим*, *айримлик*, *айрича* келтирилган.

Ўзбек тилининг морфем луғатида²⁵ ҳам *ажра* ва *айир* феълларидан ясалган бир қатор дериватлар рўйхати келтирилган. Бироқ, бизнинг

²³ Менглиев Б. Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув луғати. Тошкент. Янги аср авлоди, 2008. – 175 б.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З. М. Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. 2 т. I т. – 632 б. II т. – 715 б.

²⁵ А. Ғуломов, А. Н. Тихонов, Р. Қўнғуров. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 463 б.

фикримизча, *ажра* ва *айир* феълларининг сўз ясалиш уялари таркибини янада кўпроқ дериватлар билан тўлдириш мумкин (2.1-жадвалга қаранг).

2.1-жадвал.

Ажрамоқ ва айирмоқ феълдан ясалиши мумкин бўлган дериватлар

Ажрамоқ	Айирмоқ
ажрашмоқ	айиртирмоқ
ажралмоқ	айириш
ажралиш	айирма
ажралишмоқ	айирмали
ажралмас	айирмачи
ажралувчи	айирмачилик
ажратмоқ	айирув
ажратилмоқ	айирувчи
ажраттирмоқ	айирувчилик
ажратиш	айри
ажратма	айрилиқ
ажрим	айрилиш
ажримламоқ	айрилишмоқ
ажримлашмоқ	айрилмас
ажримланмоқ	айрилиқ
ажримлик	айрилмоқ
	айрилувчи
	айрим
	айримлик
	айрича
	айирбош
	айирбошламоқ
	айирбошланмоқ

Таҳлилимиз натижаларига кўра, *ажрамоқ* феълдан 17 та, *айирмоқ* феълдан эса 23 та дериват ясаш мумкин.

Диссертациянинг «Рус ва ўзбек тилларида омонимияни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида рус ва ўзбек тиллари омонимларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган, омонимларнинг ясалиш усуллари кўриб чиқилган, туб ва ясама омонимларнинг таснифи ишлаб чиқилган, шунингдек, уларнинг сўз ясалиши уялари тизимидаги ўзаро муносабатлари ўрганилган.

